O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 14-iyul ● Payshanba ● 85 (27.420) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

УФҚЛАРГА ТУТАШГАН ВАТАН

ЁКИ САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЧЕГАРАЧИЛАРИМИЗ САФИДА БИР КУН

Чегара қўшинлари олдида — ҳудудий яхлитликни таъминлаш, диверсион-террорчи гуруҳлар ҳамда алоҳида қўпорувчи элементларнинг чегара орқали ўтишига йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдек бош вазифалар туради.

...Чегараларимизни мустаҳкамлар эканмиз, биз ўзимизни ташқи дунёдан ажратиб қўйишга уринаётганимиз йўқ. Ўзбекистон барча чегарадош давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ягона савдо ҳудудларини яратиш, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдан манфаатдор. Биз эзгу ниятли одамлар, соғлом фикр, илмий, маданий ва халқпарвар мулоқот учун очиқмиз. Шунингдек, мустақил давлат сифатида, миллий манфаатларимизга бўйсуниб, биз ўз сарҳадларимизни ишончли муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўришга мажбурмиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти — Республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони.

● Давлат чегараси — давлатнинг зарурий белгиларидан бири бўлиб, мамлакатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизиқ. Бу чизиқ устидан ўтадиган вертикал сатҳ шу давлатнинг ҳаво чегараси ҳисобланади.

● Ўзбекистон Республикаси ҳудуди чегараларининг умумий узунлиги 6221 километрни ташкил этади. Жумладан, Қозоғистон 2203 км., Туркманистон 1621 км., Тожикистон 1161 км., Қирғизистон 1099 км., Афғонистон билан эса 137 км. дан иборатдир.

● Ўзбекистон Республикаси давлатлар ўртасидаги чегараларни бузмаслик тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига риоя қилади.

● Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона назорати ва назоратнинг бошқа турларини амалга оширувчи ҳудудлар белгиланади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча режим қоидалари жорий этилади.

● Ўзбекистон давлат чегараси билан боғлиқ масалалар чегарадош давлатлар билан шартнома ва келишувлар асосида, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

● Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

ТОНГ

Йўлга чиққанимизда кун энди ёришаётган эди. Ҳамроҳим ҳарбийларга хос ўктам овоз билан ўзини таништирди: Капитан Турғунов, ҳарбий қисмда тарбиявий ишлар бўлими катта офицери. Ҳайдовчи эса табассум билан: Мени таниган бўлсангиз керак, деди, сўнг қўшиб қўйди: — Кеча қисм командирининг бугунги сафаримиз ҳақидаги хабарини сизга етказгандим.

Орамизда туғилган бу самимийлик бизни яқинлаштирди шекилли, суҳбатимиз тезда қовушди.

Машина уфқ томон борарди... Узоқ юрдик, гўё мамлакат чегаралари уфққа қадар чўзилиб кетгандек. Қаршимиздаги шафақ шундай гўзал эдики, кўзларимиз ҳар қанча қамашса ҳам термулгимиз келарди.

— Чегараларда тонг отишини ҳеч кўрмаган эканман, — дедим беихтиёр.

— Ҳа, — деди ҳамроҳим. — Биз мана шу ёруғ тонглар учун хизмат қилиб юрибмиз-да!

Дарҳақиқат, бу мусаффо осмон, осуда тонглар учун ҳар қанча машаққат чексанг арзийди. Шундан бўлса керак, ҳарбийларимиз ёзнинг беомон жазирамасию қишнинг қаҳратони демай вазифаларини ҳар доим шараф билан уддалайдилар. Тунларни бедор ўтказиб, юрт тинчлигига қалқон бўладилар. Шу топда менинг чегарачиларга ҳавасим келди. Негаки улар сокин тонгларнинг ҳақиқий посбонларидир.

2-бет

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ

Тўғриси, кейинги йилларда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар анжуманларини кузатиб, уларга оид материаллар билан танишиб, оддий бир фуқаро сифатида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойида кўтарилган масала, муаммо ва мавзулардан қониқиш ҳосил қилдим.

Муқаддас диёримизда мустақиллик йилларида жуда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Аммо, ЎзХДП қурултойида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, **«бу даврдаги сўзсиз ютуқлар билан бир қаторда, ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишдаги қисми тўлатўкис амалга оширилди, деб бўлмайди».** Ҳақиқатан, баъзи соҳаларда ижтимоий муҳим масалаларни қонун билан белгилаш ўрнига йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан иш кўриш кўзга ташланмоқда.

Ўзим Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногиронман. Узоқ йиллардан буён бел ва таянч аъзолари ҳасталигидан азоб чекаман. Олтиариқ туман соғлиқни сақлаш бўлими берган маълумотномага мувофиқ, мен фақат таркибида олтингугурт мавжуд бўлган шифобахш суви бор сиҳатгоҳларда даволанишим мумкин. Вилоятимизда шундай хусусиятга эга манзиллар кўп. Лекин, минг афсуски, моддий имкониятим етишмаслиги, имтиёзлар йўқлиги, борлари эса олиб ташланганлиги оқибатида даволанишдан маҳрумман.

Имтиёз нега йўқ? Сабаби юқорида айтганим, яна ўша қонуности ҳужжатларига бориб тақалади. Мана, менинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига шу масалада ёзган аризамга келган жавобдан кўчирма:

«...Давлат бюджетидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги санаторийлар, оромгоҳлар ва пансионатларни жорий сақлаш учун маблағ ажратиш кўзда тутилган, пенсионер ва ногиронларга касаба уюшмалари ва идоравий сиҳатгоҳлар йўлланмаларини харид қилиш учун эса маблағ ажратиш кўзда тутилмаган... Бошқарма бошлиғи: А.Иноқов»

Ҳолбуки, Асосий Қонунимиз, қонунларимизда белгиланган ҳуқуқларимиз доирасида бундай чеклашлар кўрсатилмаган. Аммо, айрим вазирликлар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларида шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Маълумки, мен каби махсус эътиборга, қолаверса, мададга муҳтож фахрийлар республикада оз эмас. Фаровонлиги пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори билан бевосита боғлиқ бўлган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатламларини партия ўзининг ижтимоий таянчи, ўз электорати деб ҳисоблаши, уларга суяниши, манфаатларини ҳимоя қилиш учун майдонга чиқиши ЎзХДП мен каби кишиларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланганининг исботидир.

Мен қурултойдан кейин ХДП сафига аъзо бўлган кишилар қаторига қўшилдим. Чунки, бу партия аёвсиз бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий кўмаги, имтиёзларига муҳтож бўлган қатлам манфаатларини ҳимоя қилади!

Абдукарим ТЎРАЕВ,
Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Кўмирчи маҳалласи.

АЙНИ МУДДАО

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарлардан мамлакат сиёсий майдонида сўл сиёсий куч пайдо бўлганлигини, шундай катта масъулиятни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз зиммасига олганини эшитган эдим. Очиғини айтсам, талабалар «домла, биздаги сиёсий партиялар бир-бирига жуда ўхшаш-ку, уларни нимаси билан фарқлаш мумкин?» — деб сўраганларида аниқ жавоб беришга қийналиб қолардим. Сабаби: Ўзбекистонда бешта сиёсий партия бўлгани билан, уларнинг ғояси, шиори, дастури ҳам кўп жиҳатдан бирбиригa ўхшаб кетарди. Ана энди аниқлик пайдо бўлди. ЎзЛиДеП тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг сиёсий партияси бўлса, Ўзбекистон ХДП ўзини мамлакат аҳолисининг кам таъминланган, ижтимоий заиф қатламлари, ногиронлар, ўқитувчи-мураббийлар, соғлиқни сақлаш ходимлари манфаатларининг ҳимоячиси, деб эълон қилди.

Бу икки партия мамлакатимиз сиёсий майдонидаги қарама-қарши қутбларни ташкил этдилар. ЎзЛиДеПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси яна икки сиёсий партиянинг фракцияси билан парламентда кўпчиликни ташкил этувчи Демократик блокни тузган бўлса, ЎзХДП нинг фракцияси бунга жавобан ўзини мазкур блокка муқобил мухолифат деб эълон қилди. Бу демократик жамиятларга хос табиий ҳолат. Демак, биз республикамизда чинакам кўппартиявийлик шаклланиши ва бу жараёнларда иштирок қилаётган партиялар ўртасида сиёсий рақобат юзага келаётганлигини кўраяпмиз.

ЎзХДПнинг яқинда бўлиб ўтган V қурултойида унинг янги Дастури қабул қилиниши, партиянинг ниятлари жуда жиддийлигидан далолат беради. Марказий Кенгаш раисининг маърузасида нафақат либералларнинг асосий ғоялари, ҳаттоки парламент, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг фаолиятидаги камчиликлар ҳам очиқ танқид қилинган. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, бозор иқтисоди шароитларида қийналаётган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қатор таклифлар берилган.

Демократик принциплар қарор топган, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан биламизки, сиёсий мухолифат хато-камчиликларни танқид қилиш билан чегараланмай, уларни тўғатиш учун аниқ таклифлар берсагина сайловчилар уларни қўллаб-қувватлайди.

Хуллас, Ўзбекистон ХДП нинг сўл сиёсий позицияси ва ижтимоий аҳамиятга молик таклифлари бугунги кун учун айни муддао бўлди.

Лола ШУКУРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, тарих фанлари номзоди.

МЕН — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

Тошкент ислом университетида бакалавр ва магистрларнинг «Мен буюк юрт фарзандиман, унинг тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилиш менинг муқаддас бурчимдир» шиори остида битирув кечаси бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур университет ҳозирги кунда диний ва дунёвий билимларни ўзлаштирган, хорижий тилларни пухта эгаллаган янги тоифа мутахассисларни тайёрловчи кўп қиррали таълим масканига, маънавий-маърифий ва илмий марказга айланди.

Университет таркибидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, маънавий меросимизнинг нодир нусхалари сақланадиган Манбалар хазинаси, илмий ва ўқув адабиётларига бой кутубхона, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, интернет тармоғи талабаларнинг чуқур назарий билим олиши ва амалий кўникмаларни шакллантиришига хизмат қилиб келмоқда.

Талабаларга таҳсил олиш билан бирга «Зиё» телестудияси, «Зиё садоси» радиостудияси, «Илмий-таҳлилий ахборот» бюллетени ва «Ислом зиёси» газетасида ўз илмий-ижодий салоҳиятларини ошириш учун ҳам зарур шароит яратилган.

Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида университет талабалари учун турли давлат ва жамоат ташкилотларида касбий амалиётни ўташ тизими ҳам шакллантирилди. Амалиёт даврида ўзининг замонавий дунёқараши, пухта билимга эгалиги, интилувчанлиги ва ташаббускорлигини намойиш этган талабаларнинг аксарияти ўқишни тамомлагач, айнан шу идораларда ўз меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Университетда замонавий фикрловчи, диний ва дунёвий билимлар, маърифий ислом асосларини мустаҳкам эгаллаган ҳамда диний экстремизм жаҳолатига қарши кураш кўникмаси ва салоҳиятига эга мутахассислар тайёрланаётганини таъкидламоқ лозим. Мазкур ҳолатни эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги қарори билан университетни тамомлаган бакалавр ва магистрларнинг лавозим маошларига 20 фоиз миқдорида ойлик қўшимча ҳақ белгиланди.

Бу йил университетни битирган 128 бакалавр ва илк қалдирғоч ҳисобланган 20 магистр ҳам Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ички ишлар, Халқ таълими, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона, солиқ, Хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, прокуратура, суд идоралари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, банклар ва бошқа ташкилотлардан келган талабномалар асосида иш жойларига йўлланма олдилар.

Тадбирда сўзга чиққан давлат ва жамоат арбоблари, уламолар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари мустақил ҳаётга йўлланма олган битирувчилар миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда халқ анъаналарини эъзозлаган ҳолда эл-юрт келажаги учун фидокорона ва ҳалол меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирдилар. Хусусан, университет фаолиятига юксак баҳо берган Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкулоддa ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин Москва давлат университети қошида ҳам ислом университетини очиш қарори қабул қилинганини айтиб, мазкур икки олий таълим даргоҳи ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқалари ривожланишига умид билдирди. Ўз навбатида, битирувчилар қаерда ишлашларидан қатъи назар, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидан ўрнак олган ҳолда, ўз билим ва малакаларини юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун сарфлашга, айниқса, турли таҳдидларнинг олдини олиш, уларга қарши курашда бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга доим тайёр эканликларини билдирдилар.

(ЎзА)

Таҳририятга хат

АСЛ МАҚСАДДАН ЧЕКИНИШ ЭМАСМИ?

Терроризм ва сепаратизм сўнгги йилларда инсониятнинг ёвуз душманига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бугун уларнинг бўйнида йирик портлашлар, кўплаб қурбонлар гуноҳи турибди. Ўзбекистонликларнинг, айниқса, Афғонистон билан чегара ҳудудларида ва Фарғона водийсида яшаётган юртдошларимизнинг ёдидан ўша таҳликали дамлар ўчмаганлиги табиий. Турли тўдаларнинг Ўзбекистон ҳудудига суқилиб кириши ва «Ҳайратон» кўприги ёнида уюштирилган можаролар уларнинг асл мақсадини англатади. Айниқса, 2001 йил 11 сентябрида Нью-Йоркда амалга оширилган қўпорувчиликдан сўнг барча давлатлар бу балога қарши бирлашиб ҳаракат қилиш лозимлигини англаб етди. Ўзбекистон ҳам айнан ушбу воқеалардан сўнг тузилган антитеррор коалициясининг фаол аъзоларидан бири саналади. Ўз вақтида коалиция аъзоси сифатида мамлакатимиз ҳам терроррга қарши курашда собитлик билан иш тутгани сир эмас.

Афғонистондаги операцияларга кўмак бериш мақсадида ҳукуматимизнинг Қаршидаги «Хонобод» аэродромини АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига вақтинчалик фойдаланиш учун топширилиши ҳам мардона қадам бўлгани шубҳасиз. Бу аэродромга АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари чекланган контингенти жойлаштирилиб, уларнинг асосий вазифаси Афғонистон шимолидаги толиблар базаларига зарба бериш пайтида қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш ҳамда гуманитар ёрдам беришдан иборат эди. Оммавий ахборот воситалари орқали биламизки, Афғонистондаги ҳарбий операциялар мобайнида қўйилган мақсад уддаланди. Сўнгги икки ярим йилдан ортиқ фурсат давомида Афғонистонда деярли ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилмаяпти. Қолаверса, афғон халқи ҳам ўз Президенти ва ҳукуматини сайлаб, тинч тараққиёт йўлига тушиб олди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бемалол айтиш мумкинки, Қаршидаги «Хонобод» аэродромидан фойдаланишда кўзланган мақсадга эришилди. Шу ўринда ўз-ўзидан кўплаб юртдошларимиз, тенгдошларим қатори менда ҳам ҳақли бир савол туғилиши табиий: модомики, ҳарбий ҳаракатларнинг фаол қисми якунланган экан, ушбу аэродромда чекланган контингентни сақлаб туришдан нима наф? Афсуски, ушбу саволга ҳали-ҳануз тўлиқ жавоб ололганимиз йўқ. Яна бир гап. Ушбу аэродромдан яна қандай мақсадлари йўлида фойдаланиш мумкин? Бундан кўзланган мақсад, минтақадаги аҳволни издан чиқариш, мустақил сиёсат юргизаётган ҳукуматни алмаштириш ва бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш эмасмикан?

Президентимиз Остонада бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида сўзлаган нутқида ушбу саволларга атрофлича жавоб берди. *«Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги-янги таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмуни, воситa ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига эътибор қаратиш жоиз»*, деди Президентимиз Ислом Каримов. Назаримда, Андижон воқеалари ҳам тасодиф эмас, балки олдиндан режалаштирилган ишларнинг давоми, таъбир жоиз бўлса, занжирнинг бир ҳалқасидек таассурот уйғотмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: *«Бу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачи тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди»*.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остонада бўлиб ўтган навбатдаги саммитининг якунловчи ҳужжатида Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудидаги ҳарбий аэродромлардан фойдаланишни тугатиш муддатини аниқлаштириш талаби асосли бўлса-да, кўплаб мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, баъзи «сиёсатдон»ларнинг тутган позицияси ҳайратланарли. Улар ушбу базаларнинг Марказий Осиё ҳудудида қолишини ҳамон ёқлашаяпти. Қизиги, бундан тўрт йил муқаддам аэродромнинг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари ихтиёрига топширилишига қаршилик билдирганлар ҳам уларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким эмасди.

Мен ҳар доим ҳам сиёсат билан қизиқавермайман. Шундай бўлса-да, баъзи хориж мамлакатларининг танлаган йўли, юритаётган сиёсати мени ҳайратга солади. Улар яхшиликни билмайдиган инсонлар. Улар учун ўз манфаатлари барча нарсадан устун туради. Ҳатто, одамларнинг жони ҳам уларнинг манфаати йўлида хизмат қилиши лозим.

Ҳар бир нарсанинг чеку-чегараси бор. Бугун мустақил Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олди. Зеро, тинчликпарвар халқимизнинг асосий мақсади барча миллатлар билан ҳамжиҳатликда тараққиёт сари илдам одим ташлашдир.

Фарҳод ЭСОНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

УФҚЛАРГА ТУТАШГАН ВАТАН

ЁКИ САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЧЕГАРАЧИЛАРИМИЗ САФИДА БИР КУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҲАРБИЙЛИК БУРЧИ

— Қисмимиз Тошкент туманида жойлашган, — деди капитан Турғунов манзилга яқинлашганимизда. — Тасарруфимизда бир қанча чегара постлари бор. Йигитларимизнинг ҳаммаси ёвқур. Кўриб турганингиздек, шароитларимиз яхши. Иккита ошхонамиз бор. Аскарлар хоҳлаган пайтда овқатланишлари мумкин. Ётоқхоналаримизда барча шароитлар яратилган. Компьютер, маънавият ва маърифат хоналари, спорт майдонлари аскарлар ихтиёрида. Ўқув хоналаримиз зарур қўргазмали қуроллар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мана бу ёқда ҳарбий машғулотлар ўтади. Анави эса хизмат ҳайвонлари сақланадиган жой...

Суҳбатимиз шу ерга етганда қисм ҳовлисида тўпланаётган аскарлар эътиборимни тортди. Ҳарбий кийимлари ўзига ярашган, уч қатор бўлиб саф тортган чегарачилар навбатдаги нарядга жўнаб кетар экан, қадамлар зарбини ҳарбий қўшиқ босиб кетди:

Она юрт посбони олга қадам бос,
Сарҳадни қўриқлаш сенинг вазифанг.
Ғаниминг бағрингга асло киролмас,
Биз қалқонмиз сенга асл фарзандинг.

Чегарачиларнинг дадил овозлари, мардона руҳини кўриб, хавфсизлигимиз ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор иймон келтирдик. Бу хотиржамлик эса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Ҳарбийлик бурчини сидқидилдан ўтаётган ўғлонларимизнинг Ватан тинчлигини асраш-даги қатъийлиги юртдошларимиз қалбида ҳаётбахш шукрона, эртанги кунга бўлган ишонч туйғуларини ундираётганидандир.

ЧЕГАРА — ДАВЛАТ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси биринчи бўлими Асосий принциплар, I боби Давлат Суверенитети деб номланади. Унинг 3-моддасида қуйидаги сўзлар мухрланган: «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир».

Мамлакатимиз Мустақиллигининг дастлабки кунларида давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири эди. **Чегарани ўзга давлат қўшинлари билан қўриқлаш мустақиллик далолати эмас, такрор айтаман, мустақиллик далолати эмас,** деб таъкидлаган Президентимиз раҳбарлигида кўп ўтмай миллий армиямиз ташкил этилди.

1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-ўқув муассасалари ҳақида»ги қарор ҳамда 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Мудофаа ҳақида»ги, «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қонунлар мамлакатимиз ҳаётида, миллатимиз тақдирида катта воқеа бўлди. Ана шу қийин даврларда ҳукуматимиз давлат чегараларини мустаҳкамлаш бўйича қатъий чораларни амалга оширди. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфида чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди. Кейинчалик у МХХ чегара қўшинлари Бош штабига айлантирилди.

Мазкур ислоҳотлар самараси ўлароқ, миллий чегара қўшинлари шаклланиб борди. Жумладан, 8 та янги чегара заставаси бунёд этилди, чегара қўшинларининг алоҳида мотоманеврлашган бригадаси ташкил топди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси аэропортларини қўриқлаш, чегара қўшинларини моддий-техник таъминлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тарихий ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлашни кучайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар ҳақида»ги қарори чегарачилар фаолиятини янги босқичга кўтарди. Унда Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш концепцияси тасдиқланди. Концепцияга мувофиқ чегара қўшинларининг янги ташкилий структураси белгиланди, бошқарув органлари такомиллаштирилди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан МХХ чегара қўшинлари бош штаби замирида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатлар 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Айни даврда Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари мамлакатимиз сарҳадларини ўз куч-қудрати билан қўриқлашга қодир замонавий қурол ва техника билан таъминланган. Чегарачилар юртнинг, Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари, халқимиз таянчларига айландилар.

САРҲАДЛАРДА СОБИТЛАР

Тарихдан маълумки, ҳеч бир босқинчи камбағал халққа, қолоқ мамлакатга ҳужум қилмаган. Улар доим гуллаб-яшнаган диёрларни қарам қилишга уринганлар. Шу боис юртимиз азал-азалдан ғаниларга нишон бўлиб келган.

Асрлар давомида қулликка қарши курашган эрксевар элимиз ниҳоят ўз мустақиллигини қўлга киритди. Аммо ҳозир ҳам мамлакатимизга кўз олайтирувчилар кўп. Бугун атрофимиздаги давлатларда содир бўлаётган нотинчлик, ўзаро тўқнашувлар, диний экстремистик кучларнинг хуружларига бефарқ қарай олмаймиз.

Албатта, мамлакатимизга кириши мумкин бўлган қурол-яроғ, наркотик моддалар ва ғаразли кучларнинг йўлини тўсишга чегара қўшинларимизни қалқон деб биламиз. Бу қўшинда ўз бурчига содиқлик ва фидойилик ҳар бир аскарнинг эътиқодига айланган. Ана шундай йигитлардан бири Термиз чегара отряди заставасининг бошлиғи, капитан Ермек Ўзбеков давлат чегарасини бузиб ўтганлар билан бўлган жангда мардларча ҳалок бўлган эди. Вафотидан сўнг унга муддатидан олдин майор унвони берилди ва «Жасорат» медали билан тақдирланди. Эътиборлиси, майор Ўзбеков давлат мукофотига сазовор бўлган биринчи чегарачи сифатида тарихда қолди...

МХХ чегара қўшинлари раҳбарияти шу йилдан бошлаб чегарачи аскарларни янги ҳарбий кийимларда уйларига кузатиб қўйишни йўлга қўйдилар. Шунингдек, эндиликда муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаган чегарачи аскарларга биринчи ва иккинчи даражали «Чегара қўшинлари аълочиси», «Чегара нарядининг каттаси» каби кўкрак нишонлари берилиши жорий этилди.

Хизмат давомида намунали хулқи билан алоҳида ўрнак кўрсатган чегарачи аскарларимизга олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар берилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу тавсияномага сазовор бўлган йигитларимизнинг 50 фоизидан ортиғи ўтган йили олий ўқув юртларига киришди. Бу энди анъанага айланиб қолади.

Бугун мард ва жасур йигитларимиз чегара қўшинлари сафида истаганча топилади. Мен ташриф буюрган ҳарбий қисмда ҳам «Жасорат» медали соҳиблари талайгина экан. Оддий аскарлар Низомиддин Бобоёров, Хуршид Баҳриевлар ана шундай давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Шунингдек, капитан Эркин Аҳмедов, катта лейтенантлар Изатилло Розиев ва Музаффар Алиевлар «Шон-шараф» ордени билан тақдирланганлар.

— Мамлакатимизни қўриқлаш, халқимиз тинчлигини сақлашда ҳарбийларимизнинг ўрни беқиёс, — дейди подполковник Муҳаммади Матаев. — Лекин бир ҳақиқатни барчамиз доимо ёдда тутишимиз керак. Мамлакатимизнинг тақдири, чегараларимизнинг дахлсизлиги шу ҳудудда яшаётган фуқароларимизнинг ҳушёр ва сергаклигига ҳам боғлиқ. Негаки бугун мамлакатнинг ҳарбий қудратини яхши билган ғаламислар одамларимизни ўзига оғдиришга, ёшларимиз онгини заҳарлашга уринмоқдалар. Шу боис ҳар биримиз Ватанимиз равнақига ва келажагига ишониб, ўзига хос маънавий иммунитет ҳосил қилсак, уларнинг томирига болта урган бўламиз. Бу билан, албатта юртимиз ҳимоясига, халқимиз хавфсизлигига ҳисса қўшамиз. Бир сўз билан айтганда, бугунги вазият ҳар биримиздан Ватан ҳимоячиси бўлишни талаб этаяпти.

Чегарачиларнинг саъй-ҳаракати туфайли юртимизга ноқонуний равишда кириб келаётган ва олиб чиқиб кетилаётган қурол-яроғлар, наркотик моддалар, моддий товар буюмлари вақтида тўхатилиб, керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жойларда жамоатчилик вакиллари билан бундай иллатларга қарши курашиш борасида тушинтириш ишлари олиб бориляпти.

Яқинда 11 С 0788 ва 11 О 6215 давлат рақамига эга бўлган «КамАЗ» русумли автомашиналар қўшни Қозоғистон Республикасидан мамлакатимизга айланма йўллар орқали кириб келаётганда чегарачилар томонидан тўхатиб қолинди. Буни қарангки, ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган, ўзларини Тўрабек Мирзакелдиев ҳамда Ортиқ Исмоилов деб таништирган транспорт ҳайдовчилари юкланган идишларда нима борлигини ҳам айтиб бериша олмади. Бу ҳол чегарачиларда шубҳа уйғотди. Текширув ўтказилганда ҳар бирида 80 килограммдан спирт маҳсулотлари жойланган 340 дона пластмасс бочка ортилганлиги маълум бўлди.

— 27 тоннага яқин спирт маҳсулотлари ушланди, — дейди подполковник Раҳматулло Курбонов. — Бу спирт маҳсулотлари истеъмол учун ишлатилганда кўплаб одамларнинг ҳаётига хавф туғдириши мумкин эди. Мутасадди ташкилот ходимлари томонидан бу маҳсулотлар текширувдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунларда бу қонунбузарлар устидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув олиб бориляпти. Яна бир ҳолат: 11 F 6471 давлат рақамига эга бўлган «КамАЗ» русумли автомашинанинг эгаси Тўлқин Тўйчиевда ҳам ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. У айланма йўллар орқали ҳар хил турдаги қийим-кечакларни машинасига юклаб қўшни Қозоғистон Республикасидан юртимизга кириб келаётганда ушланди. Натижада 30 миллион сўмликдан ортиқ бўлган моддий товар буюмлари чегарачиларнинг саъй-ҳаракати туфайли вақтида тўхатиб қолинди...

Бу пайтга келиб чегарачилар постлардаги навбатини алмашган, бир гуруҳ йигитлар қайтиб келишганди. Яна ўша мардонаворлик билан қўшиқ янгради:

Қўлимизга тутгаймиз қурол,
Бурчимизни ўтаймиз ҳалол.
Кўкрагимиз қалқон ҳамиша,
Диёримиз кўрмагай завол.

Дарҳақиқат, бугунги тинч-осойишта кунларга етгунимизча қанчалаб йигитларнинг кўкси қалқон бўлди. Сариосиё ва Узун туманларида, Андижондаги фожиаларда чегарачиларимиз юрт тинчлигини асраш учун қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Биласизми, қўшни давлатларни остин-устун қилган инқилоблар нима учун юртимизда содир бўлмади? Чунки, Ўзбекистоннинг доно Юртбошиси, садоқатли халқи ва жасур чегарачилари бор.

БЕПОЁН ЎЗБЕКИСТОН

Олис қишлоқлардан ўтиб, яна бир чегара постига етдик. Қатор тўсиқлардан айланиб ўтган машинамиз алп-келбат бир йигит олдида тўхтади. Ўзини кичик сержант Хайрулло Йўлдошев, деб таништирган пост командирининг хўжалик ишлари бўйича ёрдамчиси бизни самимий кутиб олди.

Бу постни қисмда намунали деганларича бор экан. Ҳамма жой ораста, батартиб. Айниқса, соя-салқинлиги кишига ҳузур бағишлайди. Иссиқда бошимизни қайга суқишни билмай турувдик. Аскарлар дарров тарвуз олиб келишди.

— Ҳарбий қисмимизда барча шароитлар муҳайё, — деди йигитлардан бири.

— Тўғри, бу хусусда нолийдиган жойи йўқ, — дея суҳбатга қўшилди Хайрулло Йўлдошев. — Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони эса ўз навбатида ҳарбийларимиз ҳам шундай эътиборга муносиб бўлишлари керак. Чегарачининг бошқалардан фарқи шундаки, у бирор дақиқа бўлсин ҳушёрликни йўқотмаслиги, қаҳратон қишда ҳам, ёз чилласида ҳам ўз ўрнида собит, садоқат билан туриши зарур. Чегарачи учун муҳими шуки, у фидойи, жасур, ватанпарвар, миллатпарвар бўлмоғи керак.

Ҳақиқатан ҳам, чегарачиларимизнинг иродаси ва фидойилиги таҳсинга лойиқ. Халқимиз тинчлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демайди. Яна ушбу ташвишлардан ортиб мўъжазгина масканларини яшнатиб қўйганини айтмайсизми? Шуларни ўйлар эканман, аскарлар билан суҳбатлашишга тутинаман.

— Қалай, йигитлар. Хизматлар яхши ўтяптими?

— Яхши.

— Қийинчиликлар бўлмаяптими?

— Бошда уйдагиларни соғинардик. Энди кўникиб қолдик. Бошқа қийинчилик йўқ.

— Сир бўлмаса, нарядингиз мобайнида вазифаларингиз нималардан иборат?

— Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига товар-моддий бойликларини ўтказмаслик, ноқонуний моллар олиб кирилишига, наркотик моддалар айланувига йўл қўймаслик, — дея жавоб қилди Ғайрат Қозоқов исмли наманганлик йигит.

— Динни ниқоб қилиб олганларни, юртимизни кўролмайдиган ғаламисларни юртимизга суқилиб киришига йўл қўймаслик, — қўшимча қилди сурхондарёлик Тўра Чориев.

— Чегарада турибсизлар, қўрқмайсизларми?

— Йўқ! Қўрққан одам Ватанини ҳимоя қилолмайди.

Албатта, бу юракларда қўрқувга ўрин йўқ. Унда фақат жасорат ва муҳаббат бор. Ахир ортингда она юртинг, халқинг, жонажон ойланг турганини ҳис қилсанг, бундан ортиқ куч борми?!

Ватан соғинчи жуда юксак туйғу. Бир умр ўз қишлоғи, маҳалласидан узоққа бормаганларга бу тушунча балки бегонадир. Лекин ўзга юртларда одам кўп ўтмай ойласини, юртини соғинади. Демак, биз шу тупроққа кўринмас ришталар билан боғланганмиз. Қаерда бўлмайлик, у бизни ўзига тортиб тураверади.

Бегона юртда юрган одам ўз она тилида сўзлашаётган бирон кишини кўриб қолса, у ким бўлишидан қатъи назар, қадрдонлардек қучоқ очиб кўришади, суҳбатлашиб тўймайди. Улар ҳатто бир-бири учун жонини беришга ҳам тайёр. Демак, биз ўз юртимизда ҳам атрофимиздагиларга шунчалар меҳрибон, шунчалар қадрдонмиз. Фақат Ватан туйғусини ҳис этолмаганимиз сабабли буни сезмаймиз. Бу ердаги аскарлар ҳам ота-онасини, яқинларини соғиниш асносида Ватан нималигини тушуниб етган. Шу боис чегарачилар Ўзбекистондаги ҳамма ота-оналарни ўз ота-онасидек яхши кўради, халқимизни акаларидек, опа-сингилларидек ардоқлайди. Уларнинг жасорат ва матонат билан сарҳадларда собит турганлиги ҳам шундан.

Мен ҳам чегарада бўлиб, Ватан туйғуси нималигини теранроқ англагандек бўлдим. Бир қадам нарида бегона юрт, бегона одамлар. Оёғинг тортмайди. Ортингда эса бепоён Ўзбекистон. Суянганимизу суйганимиз ўзбек халқи. Чегара қўшинлари эса ана шу халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида қалқон бўлиб хизмат қилаётир.

Ўз даврида Широқ, Спитамен, Тўмарис каби халқ қаҳрамонлари, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди сингари довюрак инсонлар юрт сарҳадларини ғанимлардан ҳимоя қилган эдилар. Неча асрлар ўтибдики, улар ҳамон халқимиз қалбида, эҳтиромида яшайди. Демак, сиз — чегарачилар ҳам улар каби ардоқланишга ҳақлисиз.

Анвар САМАДОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири



Муносабат

ЮРТНИ АСРАР АЁЛ МЕҲРИ

Буюк француз адиби Бальзак «Миллат тақдири оналар қўлидадир» деган эди. Нақадар ҳақ гап. Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади. Бугун жамиятнинг қай бир соҳасига қараманг, аёлнинг ўрни бор. Демак, тараққиёт тақдирини белгилашда ҳам аёллар муҳим аҳамият касб этадилар.

Бир кунни айтмай, атиги бир неча соатлар жуфти ҳалолимиз ёнимизда бўлмасин қанчалар довдираб қоламиз. Бахтимизга шу муштипаргина, беозоргина мунисаларимиз бор кўнгиллар хотиржам. Кунимизда, тунимизда ҳаловат бор.

Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатдим. Мен учун тун билан куннинг фарқи йўқ, асосий фикру хаёлим ишим билан боғлиқ бўлар эди. Ана шундай пайтларда аёлим энг яқин елкадош, сирдош бўлди. Аёлимнинг касбимни ҳурмат қилиши, сабр-тоқати мени янада ғайрат билан ишлашга ўргатди. Шу боис ҳам муҳтарама аёл зотига ҳурматим баланд.

Мамлакатда аёллар билан боғлиқ амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатар эканман, нозик елкаларида аёллик, оналик, раҳбарлик каби юкларни кўтариб, яна қаддини тик тутиб меҳнат қилаётган забардаст аёлларга тасаннолар айтгим келади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Фарғона шаҳрида «Аёл оламни тебратар» мавзусида ўтказилган тадбирни телевизорда кўриб, бугунги куннинг долзарб юмушларидан ҳисобланган ОГОҲЛИК борасида ҳам аёлларнинг ороми йўқолгани, токи юртда хотиржамлик, тинчлик боқий бўлмас экан, уларнинг кўнгли тинчимаслиги аёлларимиз, шу каби тадбирларни ўтказиб халқни бир мақсад атрофига бирлаштираётганидан кўнглим осмонга етди. Тадбир давомида ёшларнинг чиқишлари, ватан ҳақида жўшиб куйлашлари, томошабинларнинг ҳайқириқларидан таъсирландим. Ўтказилган анжуман эса ҳар биримиз учун катта маънавий сабоқ бўлди, десам хато бўлмас.

Мадаминжон ШАМСУТДИНОВ,
истеъфодаги полковник,
Андижон шаҳри

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия ташкилотлари раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши раиси О.Равшанов партиянинг бўлиб ўтган V қурултойида кўрилган масалалар ҳақида гапирди. Хусусан, ЎзХДПнинг янги Дастури, унда илгари сурилган ғоялар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотларининг вазифаларига тўхталиб ўтди. Иштирокчилар шаҳар, туман кенгашлари, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари ишини қайтадан ташкил этиш, уларнинг бутун диққат-эътиборини Дастурда белгиланган мақсадларни амалга оширишга қаратиш чора-тадбирлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Сурхондарё вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам қизғин баҳс-мунозара, жонли фикрлар ўртага ташланди. Вилоят партия кенгаши раиси Ҳ.Эрматов партиянинг V қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталар экан, Ўзбекистон ХДПнинг сиёсий позицияси янада қатъийлашгани, янги Дастурда одамларимизнинг айни бугунги хоҳиш-иродаси акс эттирилганини таъкидлади. Қурултой қарорлари белгиланган вазифаларни амалга оширишда нафақат партия ташкилотлари балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳларининг ҳам фаоллигини ошириш ҳақида аниқ фикрлар билдирилди, тегишли ишлар режаси белгилаб олинди.

Сирдарё вилоят кенгаши фаоллари шаҳар ва туманлардаги бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, партия аъзолари билан учрашувлар ўтказдилар. Унда партиянинг позицияси ва тутган йўли, БПТлари фаоллигини ошириш ҳақида фикр юритилди.

Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» мавзуида бир гуруҳ фаолларнинг хотин-қизлар, ёш оилалар билан учрашуви ўтказилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифий, маънавият масалалари бўйича маслаҳатчилари, фаол хотин-қизлар иштирок этдилар. Тадбирда Хонқа туман кенгаши раиси У.Собиров, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими раиси, марказий шифохонадаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси З.Исмоилова ва бошқалар мамлакатимизда аёлларга берилаётган эътибор, хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ масалалари ҳақида маъруза қилдилар. Иштирокчилар ушбу мавзу юзасидан фикр алмашиб, оила ва никоҳ, хотин-қизларнинг кийиниш маданияти каби масалаларда учраётган баъзи камчиликларни тузатиш чора-тадбирлари ҳақида келишиб олдилар.

Нукус туман кенгаши май ойида Андижонда бир гуруҳ террорчилар томонидан содир этилган воқеалар юзасидан қатор тадбирлар ўтказди. Бундай воқеалар бошқа ҳудудларда такрорланмаслиги, ёшларни турли хил оқимлардан асраш мақсадида яқинда туман партия кенгаши томонидан тарғибот гуруҳи тузилди. Улар жойларда учрашувлар ўтказиб, бу нопок кимсаларнинг асл мақсадлари нима эканлиги ҳамда бу воқеалар муносабати билан ЎзХДП МК Ижроия қўмитаси ва Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан қабул қилинган Баёнотнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш олиб бордилар.

Касби туман кенгаши, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Бобол ота» оромгоҳида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ёшларнинг ватанпарварлик фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ҚУВАСОЙ ШАРБАТЛАРИ ХОРИЖГА

Ўзбекнинг саховатли заминида етиштириладиган ширин-шакар мева-сабзавотлар довруғи етти иқлимга таралган десак, муболаға бўлмайди. Мамлакатимизда тайёрланаётган шарбатлар ҳам хориж давлатларида харидоргир. Хусусан, Қувасой шаҳридаги «DELKONS» — Ўзбекистон — Америка — Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган «Maestro» шарбатларига талаб ошмоқда.

Ўтган йили 150 миллион сўмлик шарбат Россия, Украина ва бошқа Европа давлатларига экспорт қилинди. Хорижлик истеъмолчилар корхона маҳсулотларининг сифатини юқори баҳоламоқда. Шуни ҳисобга олиб бу йил экспорт ҳажмини янада ошириш режалаштирилаётир.

— Маҳсулотни пакет ва шиша идишларга чиройли қилиб қадоқлашда хориж технологиясининг аҳамияти катта, — дейди бош директор А.Қодиров. — Корхонада бугунги кунда 200 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Германиялик мутахассислар билан бирга шарбатлар сифатини янада яхшилаш бўйича изланишлар олиб бориляпти. Италиядан яна бир линия сотиб олдик. Бу билан 700 минг дона идишга шарбат қуйиш имконияти туғилди. Шу вақтга қадар 6 хил шарбат тайёрланаётган бўлса, эндиликда уларнинг тури икки баравар ошди.

Мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадида турдош корхоналар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. «Green World» Ўзбекистон — Америка — Корея, «Demir Line» ўзбек — турк қўшма корхоналари билан пудрат шартномаси асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ХИРМОН ЮКСАК БЎЛСА, БАНК ҲАМ МАНФААТДОР

ЁКИ АТ «ПАХТА БАНК» НАМАНГАН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ИЖОБИЙ ИШЛАРИ ХУСУСИДА

Мамлакатимизнинг йирик молия муассасаларидан бири АТ «Пахта банк» иқтисодий ислоҳотларни кенг ривожлантиришга баракали ҳисса қўшмоқда. Айниқса ҳозирги долзарб паллада ғаллакору пахтакорларга, деҳқону фермерларга камарбаста бўлаётир.

АТ «Пахта банк» томонидан 2005 йил ғалла ҳосили харажатларини қоплаш мақсадида ширкат хўжаликларига 70,5 млрд. сўм транш маблағлари йўналтирилди. Шунингдек фермер хўжаликларига 9 млрд сўмдан зиёд имтиёзли 3 (уч) фоизли кредитлар ажратилди. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида 4 млрд. 9 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Бугунги кунда жойларда «Пахта банк»нинг 462 та мини банклари ишлаб турибди. Ғалла ҳосилини уюшқоқлик билан тез кунларда ўриб-йиғиб олиш мавсумида комбайнчи операторларнинг, умуман шунга дахлдор бўлганлар иш ҳақи ҳар беш кунда бериб борилиши таъминланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки «Пахта банк» томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга 3,4 млрд. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди, яъни уларга замонавий қишлоқ хўжалик техникалари олиб берилди.

Ана шундай долзарб паллада акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси ҳам ғаллакорларга яқиндан кўмак берди: эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва техника воситалари сотиб олиш учун кўплаб кредит маблағлари ажратмоқда. Шу ўринда бундан банкнинг ўзи ҳам манфаатдор эканлигини ҳам қайд этмоқ зарур.

«Пахта банк»да хизмат кўрсатиладиган ширкат ва фермер хўжаликларининг 2005 йил пахта, ғалла маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ харажатлар миқдорини тайёрлов корхоналари билан тузилган шартномадаги ҳосил ҳажмига кўра Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан тавсия этилган меъёрлар доирасида оймаой аниқлаб бориш йўлга қўйилган. Меъёр асосидаги ҳар бир харажат тури бўйича берилиши мумкин бўлган имтиёзли кредит маблағлари барча ширкат ва фермер хўжаликларига тўлиқ етказилди.

Адлия вазирлигида 2005 йил 2 февраль куни 1448-рақам билан рўйхатдан ўтган **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомга асосан «Пахта банк» бўлимларида хизмат кўрсатиладиган ширкат ва фермер хўжаликларига 2005 йил пахта ҳосилини етиштириш учун 14 июнь ҳолатига кўра 11201,5 млн. сўм маблағ (Молия вазирлиги томонидан) ажратилди ва улар тўла белгиланган аниқ йўналишлар бўйича сарфланди. Жумладан, иш ҳақи харажатларига 2033,5 млн. сўм, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни сотиб олишга 2899,3 млн., ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари учун 749,7 млн., МТП ва муқобил МТП хизматлари учун 1378,3 млн., ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун 1593,3 млн., уруғлик чигит учун 925,1 млн., полиэтилен плёнка учун 205,6 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

2005 йилда ғалла ҳосили етиштирган фермер хўжаликларига 14 июнь ҳолатига кўра 578,3 млн. сўмлик ресурс маблағлари белгиланган муддатларда тўла ўзлаштирилди. Масалан, иш ҳақи харажатларига 85,3 млн. сўм, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни сотиб олишга 151,3 млн., ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари учун 5,8 млн., МТП ва муқобил МТП хизматлари учун 66,9 млн., ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари учун 239,3 млн. сўм маблағ тўланди.

Бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимлари бўйича шу йилнинг 1 июнига қадар мижозлар сони 8036 тани ташкил этган бўлса, бунинг 200 таси саноат ва савдо корхоналари, 2995 таси қишлоқ хўжалиги, 3576 таси эса кичик бизнес субъектларидир. Шунингдек, 1265 та турли соҳалардаги ўз мижозларига эга. Туманлардаги бўлимлар ҳамкорлигида йилнинг 5 ойи ичида 287 млн. сўм фойда олишга эришилди.

Бошқарма томонидан лойиҳаларни молиялаштириш бўйича хорижий кредит линиялари асосида «Чуст Голден Фрут» масъулияти чекланган жамиятига мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда юқори сифатли пюре, томатли пасталар ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш учун 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида, «АсШах» қўшма корхонасига 100 фоиз пахта толали трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш учун 2,7 млн. АҚШ долларлик кредитлар берилди, Ширкат хўжаликларига ва ишлаб чиқариш ташкилотларига зарур техника воситалари сотиб олиш учун 281 млн. сўмлик лизинг амалиётлари амалга оширилди.

Бугунги кунда (йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра) кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 381,1 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Уларнинг 70,5 млн. сўми қисқа, 310,6 млн. сўми эса узоқ муддатларга ажратилган. Бунда банк маблағлари ҳисобига ажратилган кредитлар қолдиғи 1565,4 млн. сўмни, бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи эса 393,2 млн. сўмни, Осиё Тараққиёт банки ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар қолдиғи 49,4 млн. сўмни ташкил этди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, «Пахта банк» томонидан хизмат кўрсатилаётган тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг сони салмоқли даражада ортиб бормоқда. Йил давомида банк маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар халқ хўжалигининг турли тармоқларига йўналтирилди. Жумладан:

— саноатга — 56,3 млн. сўм;

— қишлоқ хўжалигига — 247,4 млн. сўм;

— савдо воситачиликка — 35,3 млн. сўм;

— қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш учун — 42,1 млн. сўм...

2005 йил 1 июнь ҳолатига «Пахта банк» Наманган вилояти бўйича банк фойдаси ҳисобига шакллантирилган имтиёзли жамғарма миқдори 735,1 млн. сўмни ташкил этди ва ушбу маблағлар имтиёзли фоиз ставкалари асосида кичик бизнес субъектларини кредитлашга йўналтирилди. 2005 йил давомида имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан кичик бизнесни ривожлантириш учун 22 мижозга 118,4 млн. сўм кредитлар берилди. Мисол учун, Жумашўй бўлими «Тошкенбой» фермер хўжалигига 27000,0 минг сўм, «Нодира» фермер хўжалигига 27000,0 минг, Ҳаққулобод бўлими мижозлари «Саждагоҳим» фермер хўжалигига 25000 минг, «Обиджон Ҳасанбой ота ўғли» фермер хўжалигига 28800 минг, Поп бўлими «Жаҳонгир» фермер хўжалигига 27000,0 минг, А.Яссавий фермер хўжалигига 27000,0 минг, Тўрақўрғон бўлими «Файз» фермер хўжалигига 25000,0 минг, Уйчи бўлими «Соҳибжон» фермер хўжалигига 28800,0 минг, Чуст бўлими «Йўлдош ота» фермер хўжалигига 32000,0 минг сўм қишлоқ хўжалиги техникаси учун кредитлар ажратгани, айниқса яхши самара берди.

Банкда аҳоли жамғармалари 2004 йилнинг 1 июнь ҳолатига 1,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилнинг 1 июнь ҳолатига 1,7 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Омонатчилар сони ўтган йилнинг шу даврида 19611 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар сони 22590 нафар (ўсиш ўртача 2979 та)га етди.

Мижозларга сўмдаги пластик картлар бўйича ҳисоб варақларини очиш ва уларга кўра операцияларни амалга ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш мақсадида 2003 йил март ойидан АТ «Пахта банк» вилоят бошқармасида **«пластик картлар билан ишлаш»** хизмат кўрсатиш пункти ишга туширилди. Мижозларнинг ўз пластик карт ҳисоб варақлари тўғрисида маълумот олиш, ҳисоб варақдан пластик карточкага маблағлар ўтказиш, кирим ва чиқим паролларини ўзгартириш ва нақд пул олиш имкониятини берувчи банкомат ва пластик картлар орқали нақд пулсиз операциялар қилиш учун савдо шахобчаларига терминаллар ҳам ўрнатилди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари бўйича 39 та терминал ўрнатилган бўлиб, шулардан 21 таси савдо, 4 таси ёқилғи қуйиш шахобчаларида, 15 таси банк кассаларида жойлаштирилган.

Ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ҳозиргача 10202 нафар мижозга сўм пластик карточкалари тарқатилди ва 250,2 млн. сўм маблағ жалб қилинди. «Пластик карт» ҳисоб варақларидаги қолдиқ учун ойлик 2 фоиз — йиллик 24 фоиз ва капитализация ҳисобига йиллик 26,8 фоиз маблағ тўланиб келинмоқда. Яна 2005 йил охиригача 8300 дона сўм пластик карточкаларини мижозларга тарқатиш ва 126 дона терминални савдо шахобчаларига жойлаштириш режалаштирилган.

Вилоят «Пахта банк»и бўйича 719 та фермер хўжалигининг иқтисодий таянчи ва молиявий ҳамкори — 22 та минибанк ташкил этилган бўлиб, улар томонидан бугун 1030 та қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа тармоқлардаги мижозларга сифатли банк хизмати кўрсатилмоқда. Минибанклар бугунгача 1666 млн. сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратди. Бунинг 1553 млн. сўми қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мижозлар, яъни фермерлар ҳисобига тўғри келади.

Шуниси диққатга сазоворки, минибанклар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мижозлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга банк хизмати кўрсатиш билан бирга 2005 йилнинг беш ойини 21 млн. сўм фойда билан ҳам якунладилар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари

Шарҳ

ЛОНДОНДАГИ ФОЖИА: ШУБҲАЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Ўтган ҳафта Лондонда мудҳиш воқеа юз берди. Ўнлаб одамлар қурбон бўлди, юзлаб инсонлар яраланди. Терроризм вабоси жаҳонни яна бир бор ҳушёр торттирди.

Тўғриси, юз берган фожиадан кўра, кўпроқ унинг атрофида бўлаётган гап-сўзлар кишини ўйга толдиради. Қонхўр террорчиларга нафратимизни сўндирмаган ҳолда айрим ҳолатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Лондонда ер остида ва ер устида портлашлар юз бериши биланоқ, Буюк Британия бош вазири Тони Блэр: «Бу демократия душманларининг иши!» деди ва дунёда демократик жараённи давом эттиришга ваъда берди. У бир неча кун мобайнида терроризмни қоралаш, бу иллатнинг моҳиятини ва келиб чиқиш сабабларини очиб ташлаш ўрнига нуқул эътиборни демократия душманларига қаратди. Хўш, демократия душманлари кимлар?! Улар Ироқдами, Яқин Шарқдами, Афғонистондами ёки бошқа жойдами? Агар Ироқда бўлса, уларни демократия душманлари демасдан, урушга қарши бўлган кучлар, деган маъқулдир. Агар Афғонистонда бўлса, қуролланган жангарилар ёки толибонларнинг қолдиқлари, дейиш тўғри бўлар ва ҳоказо.

Бироқ ҳали кимлиги, қандай ёвуз куч эканлиги аниқланмаган жиноятчиларни ёппасига демократия душманлари, дейиш нотўғри эмасми? Ҳеч бўлмаса калаванинг учини топиб, сўнгра тамға босиш керак. Биринчидан, Ироқда ҳам, Афғонистонда ҳам ҳали урушга қарши кучлар бор. Иккинчидан, демократия душманлари Буюк Британиянинг ўзида ҳам бор. Лондон аҳолисининг тенг ярми Ироқдаги урушга қарши бўлганлигини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун жиноятчиларни фақат мусулмонлар орасидан қидириш тўғри эмас деб ўйлаймиз.

Буюк Британия пойтахтида портлашлар юз берганидан кейин, жаҳон оммавий ахборот воситаларида «Исроил ҳуқуқ-тартибот тизимларидаги юқори мартабали манба»га асосланиб, «тасдиқланмаган маълумотга кўра, Скотленд-Ярд бўладиган теракт-лар тўғрисида ахборотга эга эканлиги» борасида хабарлар тарқатилди. Бундан чиқди исроилликлар юз берадиган воқеани олдиндан билганлиги ҳақида гумон пайдо бўлади. Бундай ҳолат 2001 йил сентябрь фожиаси пайтида ҳам кузатилган эди. Демак, исроилликлар орасида ҳамма нарсани олдиндан биладиганлар бор экан-да?!.. Нега айнан исроилликлар орасида?..

Дунё миқёсида бир гап такрор-такрор айтилмоқда. Яъни, террорчининг дини, эътиқоди, ватани, миллати йўқ. Бу гап матбуотда, катта-катта минбарларда, халқаро анжуманларда ҳам айтилмоқда. Шунга қарамасдан бу сафар ҳали шахси аниқланмаган жиноятчиларга «исломчилар» тамғаси босилди. Баъзи оммавий ахборот воситалари ҳамда айрим сиёсатчилар ҳеч иккиланмасдан буни «мусулмонларнинг иши» деб аташмоқда. Умуман, ҳозир дунёда жиноий ҳамда сиёсий мақсадлар йўлида исломни ниқоб қилиб олиш ёки ҳар қандай балоқазони мусулмонларга тўнкаш ғаразли кураш воситасига айланиб бормоқда. Афсуски, бундан жаҳонда ўз тартибини ўрнатмоқчи бўлаётганлар усталик билан фойдаланмоқда.

Бундай дейишимизга асос бор. Ҳозир Лондонда мусулмонларга нисбатан маълум даражада нафрат пайдо бўлди. «Евроньюс» тарқатаётган хабарларга қараганда, масжидларга ҳамда алоҳида мусулмонларга нисбатан иғвогарлик ҳаракатлари бўлиб турибди. Мусулмон аҳоли ҳимоя истаб, ҳукумат идораларига мурожаат қилаётган ҳолатлар ҳам бор. Демак, террорчиларни аниқлаш ва излаб топишда санамай саккиз дейиш жамиятдаги барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Бундай йўл тутиш мамлакат ва миллат шаънига ҳам ярашмайди.

Бу йил террорчилик хуружлари Ливанда ҳам кўп бўлди. Ҳатто ҳукумат аъзолари ҳам портлатиб юборилди. Бироқ бирон марта ҳам исломчилар сўзи тилга олинмади. Бу террорчилар орасида христианлар йўқ дейсизми? Саудия Арабистонида бир неча марта шундай ҳолат кузатилди. Террорчилик хуружлари бошқа мусулмон мамлакатларда ҳам юз берди. Лекин ҳеч бирига исломчилар тамғаси босилмади. Чунки, улар ашаддий жиноятчилар — ваҳшийлар тамом-вассалом. Уларда дин ҳам, миллат ҳам йўқ.

Ёки, Босниядаги ваҳшийликни олайлик. Серблар уч юз минг мусулмонни қириб ташлади. Лекин ҳеч ким серблар христианлар тамғасини босмади. Халқаро трибунал бу ишни ҳалигача кўриб чиқмоқда. Кўплаб серблар христиан бўлганлиги учун эмас, балки жиноят қилганликлари учун судланмоқда. Агар қўлга тушсалар, Лондондаги жиноятни амалга оширганлар қайсидир динга ёки миллатга мансублиқлари учун эмас, балки қилган жиноятлари учун жазоланадилар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай террорчига, аввало, жиноятчи тамғаси босилади.

Яна бир фикр. Сабабсиз оқибат бўлмайди. Кимдир қандай йўллар билан демократия, деб ниқобламасин Ироқдаги урушни оқлаб бўлмайди назаримда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан буни юз марталаб айтди. Буни бошқа кўплаб давлат арбоблари ҳам такрорлашди. «Бугун Ироқ тинч ва хавфсиз бўлиб қолди» деди яқинда бир давлат раҳбари. Аслида Ироқ нотинч. Буни бутун жаҳон кўриб-билиб турибди. Бу нотинчлик янги фожиаларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Бу ҳам майли. Жорж Буш Лондондаги воқеага баҳо бериб: «Бу цивилизацияга қарши жиноят!» деди. Агар у террорчиларни ироқликлар деб тахмин қилган бўлса, Ироқнинг ўзи жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган давлатлардан бири. Агар у мусулмонларни назарда тутган бўлса, жаҳон цивилизациясини мусулмон оламисиз тасаввур этиб бўлмайди! Агар у ватансиз, миллатсиз ва динсиз террорни назарда тутган бўлса, уни ўз оти билан атамоқ ва унга қарши курашмоқ керак. Терроризм атрофида ўйин қилиш ёмон оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

XORIJDA

МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

Украина давлат котиби ўринбосари Маркиян Лубкивскийнинг «Новости — Украина» ахборот агентлигига маълум қилишича, Европа Иттифоқи ва Швейцария фуқароларининг Украинага визасиз келиб-кетиш тартиби 1 сентябрдан эътиборан чекланмаган муддатга узайтирилади.

Эслатиб ўтамиз: шу йил 31 мартда Украина президенти Виктор Ющченко фармонига биноан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва Швейцария фуқароларининг Украинага келиб-кетиши учун 1 майдан 1 сентябргача визасиз тартиб жорий этилган эди.

ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТАДИ

Италия Ироқдаги ўз ҳарбий контингентининг 300 нафар аскарини шу йил сентябрда олиб чиқиб кетишни бошлашини эълон қилди. Бу ҳақда Италия бош вазири Сильвио Берлускони Шотландиянинг Глениглс шаҳарчасида бўлиб ўтган «катта саккизлик» саммитида баёнот берди.

Бугунги кунда Ироқда Италиянинг 3 минг кишилик ҳарбий контингенти мавжуд. Бу борада Италия АҚШ, Буюк Британия ва Жанубий Кореядан сўнг тўртинчи ўринда туради.

ЧИНГЕЛДИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини ўқишга қабул қилади.

Коллежда қуйидаги мутахассисликлар мавжуд:

- Радио-телеаппаратураларни таъмирловчи уста.
- Тикувчилик ишлаб чиқариш устаси.
- Молия.
- ЭҲМ оператори.
- Нон-булка ҳамда макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- Бухгалтерия ҳисоби.
- Кинология инспектори.
- Сартарош-косметолог.

Ўқишга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади.

- ✓ 9-синфни битирганлик ҳақида маълумотнома-аттестат.
- ✓ Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
- ✓ Коллеж директори номига ариза.
- ✓ 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома.
- ✓ Турар жойидан маълумотнома.
- ✓ 3х4 хажмда 6 дона рангли сурат.

Қўшимча маълумотларни 161-28-82, (8.295) 71-741 телефонлари орқали олиш мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани Янгиобод фуқаролар йиғини, Алишеробод маҳалласи. «Буюк ипак йўли — Чингелди» йўналишли 496-автобус ҳамда 138-йўналишдаги таксининг янги коллеж бекати.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2005 йил 18, 25 август ва 8, 15 сентябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, У.Носир кўчаси, 53-б уйда жойлашган «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «КамАЗ-54112» русумли, давлат рақами 10 AR 838, 1987 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 4 561 000 сўм,
2. «КамАЗ-54112» русумли, давлат рақами 10 AY 672, 1987 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 4 561 000 сўм,
3. «ЗИЛ-431410» русумли, давлат рақами 10 AY 673, 1989 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 1 950 000 сўм,
4. «ЗИЛ-4502» русумли, давлат рақами 10 AY 671, 1989 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 1 950 000 сўм,
5. «РАФ-220308» русумли, давлат рақами 10 AR 831, 1989 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 1 040 000 сўм,
6. «РАФ-220308-01» русумли, давлат рақами 10 AR 786, 1989 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 893 000 сўм,
7. «Москвич-2141-01» русумли, давлат рақами 10 AZ 312, 1991 йилда ишлаб чиқарилган,
Бошланғич баҳоси — 332 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг АТИБ «Ипотека банк»ини Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.*

Маълумот учун телефонлар: *136-15-28, 399-80-23.*

ТУЗАТИШ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 28 июндаги 78 (27.413)-сонида берилган республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi» очиқ аукцион савдолари эълонидаги «25 июль» жумласи «28 июль» деб ўқилсин.

Анваржон СОЛИЕВ:

Футбол

«ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРИШИ ШАРТ»

Ўз мамлакати терма жамоасини жаҳон чемпионатида кўриш ҳар бир мухлиснинг улкан орзуси. Афсуски, саралаш баҳсларида барқарор ўйин намойиш эта олмаган терма жамоамизнинг имкониятлари пасайиб кетди. Энди вакилларимиз «плей-офф» баҳсларига йўлланма олиш учун 17 август куни Тошкентда Қувайт терма жамоаси билан майдонга тушишади.

Хўш, бугун футболчиларимизнинг кайфиятлари қандай? Уларнинг учрашувга тайёргарлиги қандай? Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнаша оладими?

Мухлисларни қизиқтираётган бир қатор саволлар билан «Пахтакор» ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари футболчиси, кейинги пайтда «сеҳрли таёқча» номини олган Анваржон Солиевга мурожаат қилдик.

— Анваржон, кўпчилик ишқибозлар Ўзбекистон терма жамоаси келгуси йили Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини бой-бериб бўлди, дейишмокда. Бунга қандай қарайсиз?

— Очиғи, ҳали хулоса чиқаришга эрта. Гарчи терма жамоамиз гуруҳдаги асосий икки йўлланмани қўлдан чиқарган бўлса-да, саралаш мусобақасининг «плей-офф» баҳсларида қатнашиш имконияти мавжуд. Ўйлайманки, ҳал қилувчи ўйинларда керакли натижаларни қўлга киритишга имконимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

— Футболчиларимизнинг иккинчи босқич саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказишлари учун Ўзбекистон футбол федерацияси барча зарур шарт-шароитларни яратиб берганди... Сизнингча, мақсадга эришиш йўлида қандай хато-камчиликларга йўл қўйилди?

— Иккинчи босқич саралаш учрашувларига осонликча йўлланма олмаганлигимизни ишқибозлар яхши эслашади. Олдиндаги ўйинлар аввалгиларидан-да қийин бўлиши ҳам барчага аён эди. Бунга жавобан терма жамоа турли ўқув-йиғин машғулотларини ўтказди. Аммо уларда асосан ички чемпионатимиз футболчиларининг қатнашганлиги, учрашувларда эса майдонда легионерлар тўп сурганлиги терма жамоанинг бир текис ўйин кўрсатишига панд берди. Энг катта хатолардан бири эса бош мураббий Юрген Гедеининг нотўғри тактика қўллаганлиги бўлди. Қолаверса, аксарият учрашувларда омад биздан юз ўгирди. Бундан ташқари, шароит тақозоси билан йиғитларимизнинг асосий учрашувлардан аввал бошқа терма жамоаларга қарши ўртоқлик ўйинларида майдонга чиқмаганлиги ҳам қимматга тушди. Энди қолган ўйинларда янада кўпроқ тер тўкишимизга тўғри келади. Энг муҳими, жамоадошларимнинг ҳозир руҳи тетик, кайфияти кўтаринки.

Мамлакатимиз миллий терма жамоасида тўп суриш ҳар бир футболчининг орзуси. Халқаро майдонда юрт шарафини ҳимоя қилиш мен учун катта шараф, бахт ҳамда масъулият, деб биламан. Шу боис, терма жамоамизнинг келгуси йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олиши учун бор куч ва маҳоратимни ишга солишга тайёрман. Юртимизнинг миллионлаб ишқибозлари ҳаққи-ҳурмати учун ҳам терма жамоамиз Германияга бориши шарт.

— Анваржон, футболчининг элга танилишида у тўп сураётган жамоанинг аҳамияти қандай, деб ўйлайсиз? Масалан, сиз «Пахтакор»да эмас, кучсизроқ жамоада ўйнаганингизда ҳозирги ютуқларга эриша олармидингиз?

— Назаримда, бундай бўлмасди. Негаки, «Пахтакор» ҳамда ўртамиёна жамоаларнинг мақсадлари тамоман бошқа-бошқа. Бироқ танганинг иккинчи томони бўлганидек, ҳар қандай истеъдодли ўйинчи ўз хатти-ҳаракатларига ишонса, юқори чўққиларни забт этишига шубҳа йўқ. Баъзида ўша сиз айтаётган аутсайдер жамоадан ҳам кутилмаганда иқтидорли ўйинчилар чиқиб қолади. Мана мисол учун, 2003 йили ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашган ҳужумчи Бахриддин Ваҳобовни олайлик. У дастлаб Термизнинг «Сурхон» жамоаси таркибида майдонга чиққанди.

— Футбол доимо хурсандчиликлардангина иборат эмас, баъзан...

— Ҳақиқатан ҳам бошимизга ҳар куни бахт қуши қўнавермайди. Баъзида қувончдан бахтиёр бўлсак, айрим ҳолларда қайғуга тушиб қоламиз. Бундай вазиятлар айниқса, футболчи жароҳат олганида билинади. 1999 йили оёғим, қўлим ҳамда елкам синганлиги учун жароҳатларим имкониятларимдан тўлиқ фойдаланишга йўл қўймади. Тўғриси, ўша кезларда тушкунликка тушиб қолгандим. Дўстларим, оиламдагиларнинг ёрдами билан барча қийинчиликларни енгиб ўтдим. Айниқса, болаликдаги дўстим Хайрулла Каримов ва «Навбаҳор» жамоаси шифокори Мақсуд Назаровларнинг кўмаги билан тезда оёққа туриб кетдим.

Феруза МИРҲОМИТ қизи суҳбатлашди.

Болалар спорти

Қувада замонавий «Умид» болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 210 миллион сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган ушбу иншоотда спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Энди қувалик ёшлар бўш вақтларини мазкур спорт масканида ўтказадиган бўлдилар. Айни пайтда бу ерда турон кураши, акробатика, стол тенниси, қўл тўпи, мини-футбол каби спорт турлари бўйича тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Суратда: Спорт мажмуи кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси,

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

9 йиллик маълумот билан — ўқиш муддати — 3 йил
Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

1. Мусиқа тўгараги раҳбари, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари;
2. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия раҳбари;
3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, хорижий тилларни ўргатувчи тарбиячи, оилада мактабгача таълим ўқитувчиси;
4. Куни узайтирилган синфларда тарбиячи, бошланғич синфларда меҳнат ўқитувчиси.

11 йиллик маълумот билан
(контракт асосида) — ўқиш муддати — 1 йил 10 ой.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади

1. Мусиқа тўгараги раҳбари, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа раҳбари;
2. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия раҳбари; ўқитувчи тренер;
3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи;
4. Бошланғич синф ўқитувчиси.

Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- ✓ *Коллеж раҳбари номига ариза;*
- ✓ *Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);*
- ✓ *0/86 У шаклидаги тиббий маълумотнома (2 нусха);*
- ✓ *3x4 хажмида 6 дона фотосурат;*
- ✓ *Доимий яшаш жойидан маълумотнома;*
- ✓ *Паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;*
- ✓ *Ташхис маркази тавсияномаси;*
- ✓ *Конверт, дафтар (2 дона).*

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт) шахсан кўрсатилади.

Манзил: Чилонзор тумани, 17-мавзе, 38А уй.
Мўлжал: «Чилонзор» метроси, «Мевазор» маҳалласи.
Телефон: 116-31-73, 116-32-77.



Ҳурматли абитуриентлар!

ҚИБРАЙ ТУМАНИ ТАДБИРКОРЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилади:

- ◆ Ҳуқуқшунослик;
- ◆ Молия-кредит;
- ◆ Банк иши;
- ◆ Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш («ВС» ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади);
- ◆ Ветеринария;
- ◆ Солиқлар ва солиққа тортиш.

Коллежда барча мутахассисликлар бўйича:

9-синф ва 11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда;
11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати:

9-синф ҳажмида — 3 йил.
11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатлар топширадилар:

- ✓ Директор номига ариза;
- ✓ 9-синф учун тавсиянома (Психологик ташхис марказидан);
- ✓ Яшаш жойидан маълумотнома;
- ✓ Фотосурат (6 дона, 3x4 ҳажмда);
- ✓ Тиббий маълумотнома (086-У форма);
- ✓ Меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- ✓ Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш 15 августгача давом этади.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Манзил: Буюк Ипак йўли метросидан 496-автобус ва 138-маршрутларнинг «Медиз» бекати. 43-маршрут, 1 ва 17-автобусларнинг «Хумоюн» бекатидан «Медиз» бекатигача пиёда юрилади.

Мўлжал: «Медиз» корхонаси рўпарасида.





(Газетанинг навбатдаги сони 19 июль, сешанба куни чиқади).

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах вилояти Дўстлик тумани М.Дадажонов АХМдаги 19-сонли мактабни қайта таъмирлаш».

Қурилиш муддати — 2006 йил 1 августгача.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилиш-монтаж бошқармаларини акциядорлик жамиятидан ажралиб чиқиши ҳақида.

3. «STEEL TRADE» қўшма корхонаси билан жамият ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиши ҳақида.

4. 2005 йил учун жамият аудиторини тайинлаш ҳақида.

Маълумотлар учун телефонлар: 53-63-25, 53-02-14.

Кузатув кенгаши

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ 2005 йил 29 июль куни соат 10.00 да ўзининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказади.

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Белариқ кўчаси, 22-уйда жойлашган ОАЖнинг маъмурият биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш ҳақида.

2. Ўз Устав жамғармасини тўлалигича сотиб олган қурилиш-монтаж бошқармаларини акциядорлик жамиятидан ажралиб чиқиши ҳақида.

3. «STEEL TRADE» қўшма корхонаси билан жамият ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиш ҳақида.

4. 2005 йил учун жамият аудиторини тайинлаш ҳақида.

Маълумотлар учун телефонлар: 53-63-25, 53-02-14.

Кузатув кенгаши

«TOSHKENTDONMAHSULOT» ОАЖ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ХАБАР

Хабарнинг тартиб рақами — 06

Эмитентнинг номланиши, 35 ва ундан юқори фоиз қимматли қоғозлар эгаси бўлмиш юридик шахснинг манзили

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй

Ўзгартиришлар амалга оширилган сана *2005 йил 11 июль*

Ўзгартиришга асос бўлган омиллар: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги №29 қарори, «ТДМ» ОАЖ акциядорларининг 2005 йил 11 апрелда бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий мажлиси қарори, баённома №17.*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроқўми «Ўзбекистон овози» газетаси масъул котиби Абдуғани Мамасодиқовга укаси **Абдужалил МАМАСОДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси масъул котиб Абдуғани Мамасодиқовга укаси **Абдужалил МАМАСОДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Anvar SAMADOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 655
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda